

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги
“Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУК муассисининг
01 - сонли қарори**

Тошкент ш.

2023 йил 18 сентябрь

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” давлат унитар корхонасининг 2023 йил 12 сентябр ҳолатидаги бухгалтерия ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” давлат унитар корхонасининг 2023 йил 12 сентябр ҳолати бўйича олинган соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 50 фоизи, яъни 5 939 399 680 (беш миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион уч юз тўқсон тўққиз минг олти юз саксон) сўм Давлат бюджетига;

- соф фойдасининг қолган 50 фоизи, яъни 5 939 399 680 (беш миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион уч юз тўқсон тўққиз минг олти юз саксон) сўм Муассиснинг бюджетдан ташқари жамғармасига.

3. Корхона раҳбари (М.Матчанов) Давлат бюджетига ва Муассисга ҳисобланган дивидендларни 2023 йил 25 сентябрь кунига қадар тегишлилиги бўйича ҳисоб-варақларга ўтказиб берсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари И. Норкулов зиммасига юклатилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазири



Д. Кучкаров